

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим  
сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!



# O'ZBEKISTON OVOZI

2014-yil, 28-avgust. Payshanba 105 (31.852) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ

## Озодликдан бошқа Ватан йўқ...



... Биринчи навбатда ёшларимиз — менинг фарзандларим «Бу Ватан — меники, агарки уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоя қилиш учун мен курашмасам, ким курашади?» деган фикр билан яшаса, мана шундай қараш униб-ўсиб келаётган болаларимиз учун энг катта даъватга, ҳаётини эътиқодга айланиб, уларнинг қалбидан, онгу тафаккурдан чуқур жой олса, айтинлар, бундай халқни йўлидан қайтариб бўладими, бундай халқни энгиб бўладими?!

Ислом КАРИМОВ

Бугун, 28 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сенат кўмиталарининг раислари кўмиталарда ўтказилган мажлислар ҳамда ўн бешинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар бўйича хулосалар ва бошқа масалалар юзасидан қарорларнинг лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш тўғрисида фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилган, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг долзарблиги қайд этилди.

Олий Мажлис Сенатининг бўлажак ялпи мажлисида муҳим масалалардан бири давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириши, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ҳамда катта ижтимоий аҳамиятга молик қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш жараёнида кенг аҳоли қатламларининг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ишнинг самардорлигини ошириш учун кулай ҳуқуқий майдон яратишни назарда тутадиган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишдан иборат бўлади.

Сенатнинг ялпи мажлисида биржа фаолиятини янада тартибга солишга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, сайлов қонунчилигини, суд-ҳуқуқ соҳасини, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни такомиллаштиришга ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Тижорат сири тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам кўриб чиқилади.

Ялпи мажлисида Бош прокурорнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ҳолати ва уни янада кучайтириш чоралари тўғрисидаги, Марказий банк бошқаруви раисининг Марказий банкнинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари кўриб чиқилади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

#### ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

— 2009 йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзолари сони 32186 нафарни ташкил этган эди, 2014 йилда эса уларнинг сони 34200 нафардан ошди;  
— 2004 йилда бўлиб ўтган сайловларда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзХДПнинг 13 нафар вакили сайланган эди, 2009 йилги сайловларда эса 18 нафар ЎзХДП номзодларига одамлар ишонч билдирди;  
— Сўнгги 5 йилда депутатларимиз партия электорати манфаатларига ва пойтахтимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига бевоқиф тааллуқли бўлган 56 масалани депутатлик гуруҳида муҳокама қилди, 48 масалани турли доимий комиссиялар, 13 масалани эса сессиялар кун тартибига олиб чиқди.

### Одамлар партиядан амалий иш кутади

КОНФЕРЕНЦИЯ: ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД

ЎзХДП Тошкент шаҳар ташкилотининг V конференциясида партиянинг ўтган 5 йилдаги фаолияти, ютуқ ва камчиликлар ана шу тартибда кенг таҳлил этилди.

Дастлаб партиянинг Сайлов олдиди дастури ижроси электоратининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов маъруза қилди.

Партия етакчисининг қайд этишича, ҳисобот даврида 3019 нафар киши партия сафига қабул қилинди. Партия кадрларини ўқитиш ва электоратнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини янада

юксалтириш мақсадида 961 та ўқув-семинари ташкил этилди. Масалан, Олмазор туманидаги «Гуручарик», Мирзо Улугбек туманидаги «Ноҳирабегим» маҳаллаларида ўтказилган амалий семинарлар бошланғич ташкилотлар ишини самарали йўлга қўйиш учун тажриба вазифасини ўтади. Илғор тажрибалар оммалаштириляпти. Бу борада ЎзХДП Олмазор, Юнусобод, Миробод туман кенгашлари намунавий-таъин кенгаш мақомига олган. Уларда тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилаётган турли тадбирлар ижобий самара бермоқда.

▶ Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қанчаллик самарали фаолият юритаётгани аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами ҳаёт даражасини юксалтиришга, ҳудудларда ижтимоий ислохотлар самардорлигини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳларида 207 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда.

### Фидойилик ва ташаббускорлик бор жойда ўсиш, ривожланиш бўлади

Жамоатчилик қабулхоналарига ўтган беш йил давомида 3721 мурожаат бўлди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишларида ЎзХДП гуруҳлари ташаббуси билан электорат манфаатларига қаратилган 82 масала муҳокама этилди.

Қашқадарё вилоят партия ташкилоти конференциясида таъкидланганидек, мамлакатимизни модернизация

қилиш ҳамда жамиятни демократлаштириш жараёни чуқурлашгани сари ҳаётимизда сиёсий партияларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Бугун сиёсий партиялар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, турли ижтимоий масалаларни ҳал этиш, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

▶ Давоми 2-бетда.

#### БАЙРАМ ТАДБИРИ

### Истиқлолимизга кўз тегмасин!

Эрта тонгданок Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида карнай-сурнай навалари остида бошланган байрам тадбири халқ сайлига айланиб кетди. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган байрам тадбирларида иштирок этган тошлоқликларнинг юзкўзларида кувонч, қалбида осойишта ва тинч ҳаётимизга шукроналик туйғулари мужассам эди.

Шу куни туман марказида жойлашган деҳқон бозоридан савдо ярмаркаси ташкил этилди. Бир ёнда хўнармандчилик ва миллий либослар, яна бир тарафда

миллий таомлар кўрғазмаси, спорт ўйинлари-ю кўнгилочар томошалар... Айниқса, «Шоҳимардон тонги» дарбозлар гуруҳи намойиш этган дор ўйинлари, полвон ва масхарабозларнинг чиқишлари одамлар кайфиятини янада кўтарди.

— Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсин, тинч ва осуда юртда яшаёلمиз, — дейди Мунаввара Одилова. — Қанча тўй, қанча хурсандчилик қилсак ярашади бизга. Мустақиллик байрамини халқимиз жуда катта хурсандчилик билан кутиб олмақда. Шундай доруломон кунларимиз боқий бўлсин, истиқлолимизга кўз тегмасин!

Муҳаммаджон ОБИДОВ

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

### САМАРҚАНД:

ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар



www.uzbekistonovozi.uz

### Диққат!

### «Сиртқи қабул соатлари»

Газетахонлар ва партияимиз электорати вакилларининг истақларини инобатга олиб, таҳририятимиз «Сиртқи қабул соатлари» рўқинини қайта ташкил этганидан хабарингиз бор. Бу рўқин остида давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари сизни ташвишлантираётган ёки қизиқтираётган саволларга жавоб беради.

«Сиртқи қабул соатлари»нинг дастлабкиси яқинда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири билан ўтказилди.

НАВБАТДАГИ «ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»ДА СОҒЛИҚНИ САКЛАШ ВАЗИРИ АНВАР АЛИМОВ САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИ.

Сиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати, имтиёзли тиббий хизмат турлари, тиббий савдонлиқнинг аҳамияти каби масалалар билан боғлиқ саволларингизни беришингиз ва тиббий хизматга дахлдор тақлифларингизни билдиришингиз мумкин.

Саволлар 2014 йил 30 августгача қабул қилинади.  
Мурожаат учун таҳририятимиз телефонлари: (8371) 233-06-83, 233-44-55. Факс: (8371) 233-65-45; 233-47-80.  
Электрон манзил: info@uzbekistonovozi.uz



ЎзХДП Наманган вилоят партия ташкилотининг навбатдаги конференциясида ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар, олдинда турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Унинг тафсилотлари газетамизнинг кейинги сонларидан бирида эълон қилинади.



ЎзХДП: ҲИСОБОТ — САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ



Санжа ШОТЛАТОНОВ олган сурат.

Одамлар партиядан амалий иш кутади

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, шунингдек, партия электоратини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш, ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам вакилларига амалий ёрдам беришда партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳисобот даврида қабулхоналарга 2592 та мурожаат тушган, партиямиз электоратини ташвишга солаётган 2179 та масала давлат идоралари ва бошқа тегишли ташкилотлар ёрдамида ҳал этилди.

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари томонидан ўтган йиллар мобайнида кўплаб муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар ўрганилди, улар асосида сессияларда қатор таклифлар билдирилди. Масалан, депутатларимиз ташаббуси билан аҳолига коммунал хизмат бўлган сифатини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва бандлик масаласини ҳал

этиш, туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қуриш, архитектура, ободонлаштириш борасидаги камчилик ва муаммоларнинг олдини олиш каби масалалар ўрганилиб, доимий комиссия ва сессиялар муҳокама-сига олиб чиқилди.

Депутатлар ўз сайлов округларида ташкил этилган қабулхоналарда мунтазам равишда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаб келяпти. Ҳисобот даврида депутатлар фуқароларнинг 2784 та мурожаатини қабул қилди. Улар томонидан ўртага қўйилган 2231 та масала ижобий ҳал этилди. Мурожаат, таклиф ва шикоятлар асосида ижро ҳоқимияти органларига 457 та депутатлик сўрови юборилди.

Масалан, 2011 йилда шаҳар партия кенгаши партия гуруҳининг ижроия қўмитаси ҳамда кенгайтирилган қўшма йиғилиши ташкил этилди. Унда Олмазор ва Ҳамза туманларида ишлаб чиқариш объектиларини модернизация қилиш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар ижроси тўғрисидаги ҳамда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар кенг муҳокама этилиб, партия фаоллари ва депутатларнинг таклифлари билдирилди.

Шунингдек, ЎзХДП гуруҳи Юнусобод, Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, Олмазор, Миробод, Учтепа туманларида касб-ҳунар кол-

лежлари ва олий ўқув юрлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш юзасида Шайхонтоҳур ҳамда Мирзо Улўбёк туманларида амалга оширилган ишларни таҳлил этиб бориш ва масалалар доимий комиссия ва сессиялар муҳокама-сига олиб чиқилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ БИЗ УЧУН УСТУВОР ВАЗИФА

Бугунги кунда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қанотининг 19900 нафар аъзоси бор. Ҳисобот даврида қанот ташаббуси билан хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, оиладаги ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида қатор амалий ишлар олиб борилди. Масалан, «Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг фаоллигини ошириш масалалари», «Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда самарали шакл ва услубларни кўллаш» мавзусидаги давра суҳбатлари ва сиёсий семинарлар ижтимоий-сиёсий жабиҳаларда хотин-қизлар иштирокини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бундан ташқари, хотин-қизларни иш билан таъминлашда тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳаси доираси-

да 10 дан ортик маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳамкор ташкилотлар билан бирга тадбирлар ташкил этилди. Уларда 400 га яқин вақтинча ишсиз бўлган хотин-қиз иштирок этди. Лойиҳа доирасида 40 га яқин хотин-қизни иш билан таъминлашга, 20 дан ортик хотин-қизга ўз ишини йўлга қўйишига кўмаклашилди.

ЁШЛАР — ПАРТИЯНИНГ МУСТАҲҚАМ ТАЯНЧИ

Биламизки, партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш учун курашади. Шу мақсадда уларнинг ижтимоий лойиҳа ва ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Ўтган давр мобайнида ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг, ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш борасида кўплаб ташаббусларни илгари сурди. Турли мазмундаги давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар, сиёсий дебатлар, учрашувлар асосида партия сафида кўплаб ёшлар қабул қилинди.

«Ёшлар ва интернет: муваффақиятлар ва муаммолар», «Биз партия сафидамиз», «Коллеждан — корхонага», «Бугунги талаба — эртанги мутахассис» каби лойиҳалар асосида қатор тадбирлар ташкил этилди. Масалан, жорий йилнинг 14 май куни «Ёшлар ижод саройи»да «Мақсад — ҳар бир ёш ўз ишига эга бўлсин» номли форум ўтказилди.

Конференцияда сўзга чиққан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Муқаддас Раҳматуллаева, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарида Абдурахимова, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Умиди Хошимов партия ташкилоты фаолиятига ўз муносабатини билдирди. Ютуқлар эътироф қилиниб, йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш бўйича таклифлар илгари сурилди.

**Хусусан, маҳаллий бюджетлардан ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағларнинг самарали ишлатилишига эришиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами учун тиббий хизматлар даражасини ошириш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун турар жойлар қуришга мўлжалланган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш пайтида оқолат ва манзилликни таъминлаш устидан назоратни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.**

Конференция ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов иштирок этди.

— Сиёсий партиялар жамият ҳаётига қанчалик чуқур кириб борса, ижтимоий масалаларга шунчалик самарали ечим топилади, одамларнинг партияга ишончи кучаяди, — деди у. — Энг муҳими, мамлакат изчил тараққий этади, демократик таъмоиллар, инсон манфаатлари биринчи ўринга қўтарилади. Шу боис ҳам мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини кескин кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиларди. Бу жараёнда ЎзХДПнинг ўз позицияси бўлиши керак, албатта.

Партияимиз тизимида Тошкент шаҳар партия ташкилоты катта кучга эга. Буни халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатларимиз, салоҳиятли фаолларимиз ва етакчиларимиз, бошланғич ташкилотларимиз мисолида кўришимиз мумкин. Тошкент — мамлакатимизнинг пойтахти бўлганлиги учун бу ерда ижтимоий-иқтисодий соҳалар тез тараққий этади, бунга катта эҳтиёж ҳам доимо мавжуд бўлади. Демак, бу шаҳарда партия фаоли, депутат сифатида фаолият олиб бориш учун икки ҳисса масъулиятни бўйинга олиб ишлаш лозим.

Ҳўш, бунинг учун кўпроқ нималарга аҳамият бериш зарур? Аввало, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд, шунингдек, ислохотларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарасини оширишга ҳисса қўша оладиган, меҳнатга лаёқатли кишилар билан елкама-елка туриш керак. Жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини мунтазам таҳлил этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимосини кучайтиришда депутатлик сўрови ва Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилиш лозим.

Конференцияда партия ҳаёти билан боғлиқ қатор масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. ЎзХДП VIII курултойига делегатлар сайланди.

Шунингдек, конференцияда сўзга чиққан депутатлар, фаоллар бу йил сайловлар йили эканига алоҳида эътибор қаратиб, партиянинг янги Сайловолди дастури лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди. Худудларда коммунал хизматлар сифатини ошириш масалаларида таклифлар берилди.

Шундан сўнг ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилиб, **Ҳайдар Бобохонов** шаҳар партия кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

**Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

Зангиота тумани муқаддас қадимжолари билан қанчалик машҳур бўлса, одамларнинг меҳнатқашлиги билан ҳам танилган. Агар туманга йўлингиз тушса, атрофга диққат билан қаранг, томорқа-ю мўъжаз боғ-роғларни, маҳаллалар ободлигини кўриб, бунга ўзингиз амин бўласиз.

Иш билан банд аёл

оила ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшади

Бугун бу туманда бирор маҳалла, бирор хонадон йўқки, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ривожига ҳисса қўшмаётган бўлса. Шу сабабли ҳам Зангиотада иш билан банд бўлмаган хотин-қизни кам учратасиз. Бу эса уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят раиси **Моҳира Ақромова**. — Айниқса, коллеж битирувчиларининг бу борадаги фаоллиги яққол кўзга ташланади. Катта ҳаёт оstonадаги қизларнинг бандлиги, айниқса, муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман. Меҳнат нималигини биладиган қизлар қурайдиган рўзгор бут ва оила ҳар томонлама мустаҳкам бўлади. Бунга ҳаётда кўп гувоҳ бўлганмиз. Шунинг учун қизларнинг хунар ўрганиши, бирор-бир ишнинг бошини туттишига



Ўша олган сурат.

кенгаши ҳамкорлигида «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ойлари» доирасида мазкур туманда ўтказилган «Кучли фуқаролик жамияти барпо этишда хотин-қизларнинг ўрни» мавзусидаги давра суҳбатига ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

**«Ягонасан, муқаддас Ваганим, севги ва садоқатим сенга баҳшида, гўзал Ўзбекистоним!»** шiori остида бўлиб ўтган тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъуллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, партиянинг Тошкент вилоят, Зангиота туман кенгашлари ходимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари ва бир гуруҳ хотин-қизлар иштирок этди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари **Шарбат Абдуллаева** давра суҳбатини очар экан, хотин-қизлар бандлиги, сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллигини ошириш масалаларига эътибор қаратди. — Мустақиллигимиздан кейин ўзбек аёли ўз қадр-қимматини, эъзосини топти, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова**. — Мактабда ўқиб юрган кезларим ёдимда, хотин-қизлар қаторида биз ўқувчилар ҳам далага чиқиб, оғир меҳнат қилишга мажбур эдик. Кўёш бош кўтармасдан то қош қорай-гунча кетмон кўлимиздан тушмасди. Шукрки, ҳаммаси ортада қолди. Мустақиллик йилларида оналарга, аёлларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатила бошланди. Миллий қонунчилигимизда аёлларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Бугун аёллар ҳар бир соҳада ташаббускорлик кўрсатиб, фарзанд тарбиясида ҳам, жамоатчилик ишларида ҳам кўплаб ютуқ ва муваффақиятларга эришиб келмоқда. Уларнинг жамият ҳаётидаги иштироки кучаймоқда, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортмоқда. Бу демократик ислохотлар чуқурлашиши, ҳаётимиз янада обод бўлиб бораётганининг муҳим белгисидир.

— Туманимизда ўз ишини йўлга қўйиш ҳаракатида юрган электоратимиз вакиллари жуда кўп, — деди **ЎзХДП Зангиота туман кенгаши**

алоҳида эътибор бериляпти. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, уларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган турли тадбирлар ана шу мақсадларга хизмат қилимоқда.

— Соғлом она — соғлом бола масаласи бугун чин маънода умуммиллий ҳаракатга айланди, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Сайидвали Аҳмедов**. — Жойларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, репродуктив саломатлигини асраш каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозир хотин-қизлар учун қулай шaroит яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Яқинда мамлакатимиз ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп гамо-хўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнгалигига киритилди. Ана шу кўрсаткичлар кўп нарсани аниқлади, зиммасизга янада каттароқ масъулият юклайди, албатта. Биз учун хотин-қизлар оғирини энгил қилиш, улар учун муносиб турмуш шaroитлари яратиш бериш асосий вазифаларимиздан бўлиб қолаверди.

— Иш, турмуш юмушлари билан бўлиб, ҳаётий масалалар ҳақида гаплашиб, фикр алмашишга ҳар доим ҳам вақт топиламан, — деди **«Фаол аёллар» қаноти аъзоси Динора Эргашева**. — Бугун хотин-қизлар турмуши, ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан боғлиқ муҳим масалалар ўртага ташланди. Қонунчиликдаги янгиликлар, керакли факт ва рақамлар билан танишдик. Бундай тадбирлар дунёқарашимизни кенгайтиришга, ижтимоий-сиёсий фаоллигимиз ошишига хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Тадбирда хотин-қизлар манфаати ҳимояси бўйича унраётган айрим масалалар таҳлил қилиниб, уларни янада батафсил ўрганиш, лозим бўлса, халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокама-сига масала киритиш юзасидан партия гуруҳига таклифлар берилди.

**Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

Фидойилик ва ташаббускорлик бор жойда ўсиш, ривожланиш бўлади

аҳамиятга эга.

Шунингдек, партия гуруҳи томонидан иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасида мониторинг ўтказиб бориламоқда. Масалан, 2013 йилда шаҳарда жами 8709 иш ўрни яратилган. Касб-ҳунар коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Шаҳарда 7 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Партия етакчилари, депутатларимиз бу тадбирларда фаол иштирок этиш баробарида, тузилган уч томонлама шартномалар ижросини ҳам назорат қилиб боришмоқда.

Дилором УМАРОВА, Қарши тумани ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Иш ўринлари ташкил этиш вазифаси партияимиз учун устувор масала ҳисобланади. Чунки ишли бўлиш — энг ишончли ижтимоий ҳимоя саналади. Биз хотин-қизларни меҳнатга жалб этиш борасида барча имкониятлардан самарали фойдаланишга уринаймиз. Касаначилик, оилавий тадбиркорлик бу борада кўл келмоқда. Бир неча йиллардан бун ҳар йили 50-60 нафар хотин-қизга кафилият хати асосида имтиёзли кредитлар бераймиз. Натижада кўплаб ёшларимиз ишли бўляпти. Бу



йўналишдаги ишларни янада жонлантириш зарур, деб ҳисоблайман.

Азамат РАҲМОНОВ, «Гиссаракнефтьга» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси бош ҳисобчиси, ЎзХДП аъзоси:

— Мен ва ўнлаб касбдошларим яқинда ЎзХДПга аъзо бўлдик. Бизга аъзолик гувоҳномалари ушбу конференцияда тантанали равишда топширилди. Шаҳсан ўзим ушбу тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазаларни тинглар эканман, ростки, шу партияга аъзолигим билан фخرландим. Партияимиз олиб бораётган хайрли ишларда фаол иштирок этишга қарор қилдим.

Конференцияда, шунингдек, **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каримова, ЎзХДП**

Марказий Кенгаши бўлим мудири Зокиржон Холматов, вилоят партия ташкилоты тафтиш комиссияси раиси Даврон Жаъраев, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Озод Умиров сўзга чиқиб, кун тартибидagi масалалар бўйича фикр билдирди. ЎзХДПнинг янги Сайловолди дастури лойиҳаси кўриб чиқилиб, таълим ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари бўйича таклифлар берилди.

Конференция доирасида вилоят партия ташкилотининг ташкилий пленуми ўтказилди. Унда **Олим Равшанов Қашқадарё** вилоят партия кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

**Юнус УЗОКОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари **Олим Равшанов** ҳисобот маърузасида амалга оширилган асосий ишларга эътибор қаратди.

— Жорий йил июль ойида бўлиб ўтган туман ва шаҳар партия ташкилотлари конференциялари ютуқ ва камчиликларимизни кўрсатиб берди, — деди у. — Бугун ана шулардан келиб чиққан ҳолда вилоят партия ташкилоты фаолиятини таҳлил этилди. Ҳозир вилоятимизда 845 бошланғич партия ташкилоты бўлиб, улар 34219 нафар аъзони бирлаштирган.

Ўтган беш йил давомида вилоятимизда 367 ижтимоий соҳа объекти ишга туширилди. Бу янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, қўллаб маҳаллий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда партия ташкилотлари, депутатларимиз муносиб қатнашмоқда.

Айниқса, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2010 йил 29 ноябрда ўтган сессиясида муҳокама қилинган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, 2011 йил 12 мартда ўтган сессияда кўриб чиқилган умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касбга йўналтириш, таълим сифатини ошириш, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган масалалар Сайловолди дастури ижросига хизмат қилмоқда.

Жойларда ўтказилган иқтисодий форумларда 61 нафар электорат вакилига бошланғич капиталини шакллантириши, оилавий

Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Миллий матбуот марказига

Аҳолининг йил сайин ўсиб бориши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни ҳам тобора оширмоқда.

Айрим давлатларда аҳолини табиий, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб муаммога айланиб бораётган бир пайтда юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми йилга ўртача 6 фоиздан ўсиб бориши таъминланмоқда. Бу мамлакатимиз аграр секторига амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасидир.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева-сабзавот ва қайта ишланган маҳсулотлар 80 дан зиёд мамлакатга экспорт қилинмоқда. Сўнгги уч йилда хорижга сотилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробар ошди. Ушбу кўрсаткичларга

## Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари эвазига

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОРТМОҚДА

эришишда банк кредитларининг ҳам улуши салмоқли бўлмоқда.

Республика Марказий банки томонидан «Мамлакатимизда озиқ-овқат дастурининг амалга оширилишида банкларнинг иштироки» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди. Унда Марказий банк ҳамда республика тижорат банкларининг масъул ходимлари иштирок этди.

Ўтган йилда тижорат банклари мева-сабзавот, узу ва полиз маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспортини қўллаб-қувватлашга салкам 365 миллиард сўм кредит ажратган.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори

тижорат банкларининг озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди **Марказий банкнинг тижорат банкларининг инвестиция портфелларини мониторинг қилиш департаменти директори Азамат Қосимов**. — Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида тижорат банклари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни тўлдирish мақсадида 971,8 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп кредит маблағлари ажратилди. Мазкур маблағлардан 171,9 миллиард сўм озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда зарур бўлган технологик усуналарни харид қилиш, 775,4 миллиард сўм

хомашё ва материаллар сотиб олиш, 24,5 миллиард сўм фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига иссиқхоналар барпо этиш, томчилатиб суғориш тизимини харид қилиш учун кўзда тутилган лойиҳаларни молиялашга йўналтирилди.

Тижорат банклари озиқ-овқат саноати корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, кўрсатилаётган фоииз ставкаси бўйича белгиланган тартибда кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун банк кредит портфелининг камида 20 фоизи миқдоридида махсус линиялар очилмоқда. Экспорт операциялари бўйича амалга оши-

риладиган хизматларнинг чекланган муддати 60 кундан 90 кунга узайтирилиши экспорт операциялари хизматларининг ҳажмини кенгайтирди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товар (кўрсатилган хизмат)ларни экспорт қилиши натижасида тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилган.

Анжуманда тижорат банкларининг масъул ходимлари банк тизимидаги озиқ-овқат дастури ижросини таъминлашдаги фаол иштирокини янада кенгайтириш, кредит олиш тартиби, озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти ва хавфсизлигини таъминлаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирди ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



## Чортоқ санаториясида янги мажмуа

Шифобахш маъданли суви билан мамлакатимизда машҳур Чортоқ санаториясида 600 ўринли ошхона мажмуаси ҳамда болалар хонаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касабаяншилар Федерацияси томонидан молиялаштирилган мажмуага бир миллиард тўққиз юз миллион сўм маблағ сарфланди.

Қурилиш ишларини «Чортоқрихтекурилик» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари олиб борди. Объектнинг тантанали очилиш маросимида Олий Мажлис қонunchилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон касабаяншилар Федерацияси ҳамда турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Янги иншоот юртимизда инсон омилли, унинг кадр-қиммати нақадар юқори қўйилганлигининг амалдаги яна бир намояндрисидир.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

### Учрашув

## ОНА ЮРТ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Ҳарбийлар ҳақида сўз кетганда Юртбошимизнинг ҳарбий қисмларининг бирида бўлган учрашувда «Бронжилет остида ҳам юрак бор. Буни эсдан чиқармаслигимиз, уларнинг кўнглини, руҳиятини кўтаришимиз керак», деган сўзлари ёдга тушди.

Қуролли Кучлар давлат музейида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида,

гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган бадиий-адабий тадбир ҳам шу фикрларга ҳамоҳанг тарзда ўтди. Унда ҳарбий хизматчилар, таниқли актёр ва хонандалар, ижодкорлар иштирок этди.

Ҳарбийлар билан ўтадиган учрашувларга, тадбирларга доим ошмакан, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Саидқомил Умаров. — Ватан ҳимоячилари тимсолида юртимизнинг фаровонлиги, халқи-



Фотурх АЛИЕВ олган сурат.

мизнинг хотиржамлиги, осмонимизнинг мусаффолиги мужассам. Ватаним, онани мадҳ этувчи шеър-қўшиқлар, шу юртининг тинчлиги учун туну кун меҳнат қилаётган ўғлонларимизнинг қалбиди мейхмуҳаббат, садоқат туйғулларини уйғотганидан хурсандман.

— Куй-қўшиқлар, таниқли кишилар

билан суҳбатлар аскарларга доимо куч бағишлайди — дейди **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Шавкат Махбубов**.

— Айниқса, аскарларнинг ҳаётини экранга кўчирган ва кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлган фильм

ижодкорларининг фикрлари ҳам йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

— Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, айниқса, она ҳақида айтилган шеърлар мени тўлқинлантириб юборди, — дейди **оддий аскар Сирожиддин Холбоев**. — Ўзим журналистика факультетини тугатганман. Хизматни тамомлагач, ўз касбим бўйича ишламоқчиман.

Тадбирда Ватан ягоналиги, уни ҳимоя этиш, унинг гуллаб-яшнаши йўлида меҳнат қилиш олий саноат экани ҳақида фикрлар билдирилди.

Маънавий-маърифий тадбир Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодкорлари ҳамда юртимизнинг таниқли хонандалари томонидан тайёрланган концерт дастури билан якунланди.

**Бобур ЭЛМУРОДОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Ўзбекистон аҳолисини Мустақиллик байрами билан табриклайди ва миллий валютада янги муддатли омонатлар амалга киритилганлигини маълум қилади:

### «Мустақиллик»

- ◆ Сақлаш муддати — 2 ой.
- ◆ Омонатга қўшимча бадаллар фақат нақд пул кўринишида қабул қилинади.
- ◆ Ҳисобланган фоиизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

### «Обод юрт»

- ◆ Сақлаш муддати — 3 ой.
- ◆ Бошланғич бадал миқдори 3 000 000 сўм, қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- ◆ Ҳисобланган фоиизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

Омонатга маблағлар 2014 йил 15 августдан бошлаб 1 октябргача қабул қилинади.

## ЖАМФАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.



## Фаровонлик омили

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг самарали амалга оширилиши ва иқтисодий соҳаларнинг барқарор тараққиётида «Агробанк» акциядорлик тижорат банки жамоасининг ҳам муносиб хиссаси бор, албатта. Молия муассасасининг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан йўналтирилаётган сармоялар, аввало, иқтисодийни юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида асосий эътибор аграр секторни жадал ривожлантириш ва инвестиция жараёнида фаол

иштирок этиш, янги иш ўринларини яратиш, тизимни ислоҳ қилиш, банк активларини кўпайтиришга қаратилиб, барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўсishга эришилди.

— «Агробанк»нинг 220 миллион сўмлик кредити ҳисобига хориждан зотли қорамоллар келтирдик, — дейди банк мижози, «Темир ўғли» хўжалиги раҳбари Ҳикмат Аслонов. — Ҳозирги пайтда чорва молларимиз туёқ сони кўпайиб бормоқда. Бешта иш ўрни яратдик.

— Мен ҳам ўз ишимни йўлга қўйиш мақсадида «Агробанк»нинг Гижувон филиалига бизнес-режам билан мурожаат қилдим, — дейди «Хирмон нон» хусусий

корхонаси раҳбари Сайфулло Болтаев. — Банк томонидан ажратилган 150 млн. сўм кредит маблағи эвазига нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Бунинг натижасида корхонамизда ўндан зиёд ёшларни иш билан таъминладик. Молия муассасаси кўмаги маҳсулотларимиз ҳажми кўпайиши ва сифат ошишига катта ёрдам бўлди. Натижада халқимиз дастурхонига сифатли ва арзон нон ва нон маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хизматлар лицензияланган.



USA олган сурат.

## Тошкент давлат шарқшунослик институти қўйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Эрон-афгон филологияси кафедраси: профессор — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; (афгон филологияси бўйича).
2. Туркий тиллар кафедраси: профессор — 1 ўрин (турк филологияси бўйича); доцент — 1 ўрин (ўзбек филологияси бўйича); катта ўқитувчи — 1 ўрин (турк адабиёти бўйича); ўқитувчи — 1 ўрин (турк филологияси бўйича).
3. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси: доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин (эрон адабиёти бўйича); ўқитувчи — 1 ўрин (хитой адабиёти бўйича 0,25 ставка).
4. Мумтоз филологияси кафедраси: профессор — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин (мумтоз филологияси бўйича).
5. Фалсафа кафедраси: доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин.
6. Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси: кафедра мудир — 1 ўрин.
7. Хитой филологияси кафедраси: доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин.
8. Жанубий Осиё тиллари кафедраси: доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин (0,25 ставка).
9. Педагогика ва жисмоний тарбия кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин (фукаро мудофааси бўйича).
10. Инглиз тили кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
11. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси: профессор — 1 ўрин (экология бўйича 0,25 ставка); доцент — 1 ўрин (социология бўйича 0,25 ставка).
12. Жаҳон сиёсати кафедраси: доцент — 1 ўрин (0,5 ставка); катта ўқитувчи — 1 ўрин (0,25 ставка).
13. Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси: профессор — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи (0,5 ставка); ўқитувчи (0,75 ставка).
14. Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин (0,75 ставка).
15. Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисоди ва мамлакатшунослиги кафедраси: доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
16. МДХ иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси: профессор — 1 ўрин (0,5 ставка); доцент — 1 ўрин (0,5 ставка); катта ўқитувчи — 1 ўрин.
17. Математика ва информатика кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин (0,75 ставка); ўқитувчи — 1 ўрин.
18. Узоқ Шарқ минтақаси иқтисоди ва мамлакатшунослиги кафедраси: доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин (0,75 ставка).
19. Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаси иқтисоди ва мамлакатшунослик кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин (0,5 ставка).

### Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

#### ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза.
  2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
  3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида дипломи, малака ошириш сертификатлари.
  4. Белгиланган талабларга кўра эгаллаш лавозими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз тили) ва информатсион технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида).
  5. Тасдиқланган илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.
- Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 25-уй.**  
**Телефонлар: 233-45-21, 233-44-36.**

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 7 август кунини ўтказилган аукцион савдолари натижасига кўра, «DAVLAT BELGISI» ДИЧБ Тошкент Қоғоз фабрикаси балансидаги 1998 й. и.ч, «АБП-8С» русумли автомобилга ёқилги қуйиши контейнер блок пункти — 6 800 000 сўмга сотилганлигини ҳамда «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОАЖ АК Тошкент филиалининг 2014 йил 25 августдаги 28-02-18/2545-сонли хатига асосан д/р 10/381GAA бўлган «М-214121», д/р 10/986RAA бўлган «ГБА-СПГ-ГАЗ-24» русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлигини, маълум қилади.

Гувоҳнома №005357

# Озодликдан бошқа Ватан йўқ...

Мен журналистман. Сиз ўқитувчисиз. Кимдир шифокор. Лекин бирортамиз ҳам Ватан чегарасида турмаймиз. Тун зулматида, қахратон қишда, саратон жазирасида сарҳадларимизни бедор кезмаймиз.

Мазкур мақола мустақил мамлакатимизни, халқимиз тинчлигини турли хавф-хатарлардан асрайдиган, дунёдаги энг масъулиятли, энг машаққатли касб эгалари бўлган чегарачиларимиз ҳақида.

Нотинч дунёда яшаймиз. Ер юзининг турли минтақаларида уруш олови ёнапти. Қарама-қаршиликлар, зиддиятлар кучайиб бормоқда. Урушларнинг сони, тури ортиб борапти. Таҳдидлар доираси кенгаймоқда. Халқаро ҳамжамият ўзаро келишмовчиликларни бартараф қилолмапти. Бир мамлакат, бир халқ бир-бири билан ёвлашиб, қон тўкилмоқда.

Мана шундай таҳликали вазиятда нима қилмоқ керак? Бутун инсоният учун сув билан ҳаводек зарур бўлган тинчликни қандай сақлаб қолса бўлади?

Бугун Ватан ҳимояси, Ватанга муҳаббат, Ватан манфаатлари учун курашиш ҳар доим-гидан-да долзарб, муҳим, зарурроқдир. Буни англаш, ҳис қилиш лозим.

Самарқанд шаҳридан Ватанимиз сарҳадлари томон йўлга тушдик. Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси бутунлай ўзгарган. Ҳар бир манзил гулзор, боғу боғзор. Самарқанд, Тайлоқ туманлари ҳудудидан ўтиб бораёямиз. Намунавий лойиҳа асосида қурилган қишлоқ уйларида бирига келин тушапти. Карнай-сурнай садолари авжида. Йилгит ва киз бахтли ҳаётга қадам қўймоқда. Кимнингдир кизи, бошқа бирнинг ўғли талаба бўлгани қариндошлар даврасида нишонланмоқда. Истироҳат боғида болаларнинг шодон кулгуси эшитилади. Чойхонада отахонлар гурунглашмоқда. Деҳқон далага сув тарайди. Кимдир набирасини етаклаб, меҳмонга кетапти. Табаррук

офицер **Иқбол Сотволдиев** Чирчиқ олий танк кўмондонлик муҳандислик билим юртини тамомлаган. У 2010 йилдан бошлаб Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида хизмат қилади. Аввал Қорақалпоғистон Республикасида, бугунги кунда эса Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатмоқда.

— Андижоннинг Хўжабод туманида тутилганман, — дейди Иқбол. — Қишлоғимиз чегара ҳудудида жойлашган. Шунинг учун ҳам эсимни таниганимдан бошлаб чегарачилар ҳаётини кузатар эдим. Уша пайтдаёқ чегарачи бўлиш орзуси пайдо бўлган. Андижон воқеаларида қаҳрамонлик қилган, Ватанимиз тинчлиги, озодлиги йўлида жон берган чегарачиларни кўриб, аҳдим янада қатъийлашди.

Утган йили декабрь ойида Президентимиз Сурхондарё вилоятида бўлиб, чегарачилар билан учрашди. Бу воқеани телекўрсаткичида кўриб, қалбим фаҳрга тўлди. Мамлакатимиз раҳбари чегарачиларга ишонди. Бизни ўз фарзандидек яхши кўради. Чегара постимизда ҳарбийлар оилаларига мўлжалланган янги уй қурилиши ниҳоясига етмоқда. Чегарачилар давлатимиз томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг оила аъзолари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. 2013 йилда уйланганман. Турмуш ўртимиз Ферузахон инглиз тили ўқитувчиси. У менинг касбимни ҳурмат қилади...

Иқбол бизни чегарачиларга яратилган шарт-шароитлар билан таништирди. Муддатли ҳарбий хизматга қақирилган



**Омадбек ОЛИМЖОНОВ, Андижон шаҳридан:**

— Армияда хизмат қилган йилгитнинг бошқалардан фарқи бор. Юриш-туришида, ўзини тутишида, мустақил қарор қабул қилишда алоҳида ажралаб туради. Чегарада хизмат қилиш ҳар бир инсонга Ватанимизни севишни, Ватанини англашни ўргатади. Чегарачи учун вақтинчир фарқи йўқ. Совуқми, иссиқми, кечасими, кундузимми — у хизматга доимо шай. Шунингдек, чегарачи сергак, огоҳ бўлиши, ҳар қандай хавф-хатарга тайёр туриши керак. Чунки душман билан биринчи бўлиб чегарачи юзма-юз келади.

Чегарачини кўришга, орқага қайтишга ҳақи йўқ. Чегарачи битта мақсад билан яшайди: **Ватанимиз чегарасини кимдир бузмоқчи бўлса, у менга дуч келсин, ўша захотёк қўлга оламан. Халқим тинчлиги учун, керак бўлса, жонимни ҳам бераман.**

Муддатли ҳарбий хизматни тугатганимдан сўнг шартнома асосида хизматни давом эттирмоқчиман. Келгусида ҳарбий олий ўқув юртида ўқиб ниятман.

хизмат қилишимни жуда-жуда истар эди.

Армия йилгит кишининг ҳаётида муҳим ўрин тутишини хизмат давомида чуқурроқ англадим. Бу ерда спорт билан шуғулланамиз. Биз учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Келажақда иқтисодчи бўлмоқчиман. Президентимиз томонидан биз, аскарларга ғамхўрлик кўрсатилиб, олий ўқув юртига киришга имтиёз берилган. Шу ҳақда командиримга савол бердим. Унинг айтишича, дунёнинг бирор-бир мамлакатига бундай имтиёз, имконият йўқ экан.

**Фирдавс НАСИМОВ, Бухоро вилояти Шофиркон туманидан:**

— Чегарада туриш шарафи, бахти ҳаммага ҳам nasib этавермас керак. Мен ўтган олти ой давомида бир қарорга келдим. Хизматни тугатганимдан сўнг шартнома асосида қолиб, хизматни давом эттираман. Ота-онам, яқинларим ҳам менинг бу фикримни қўллаб-қувватлашди.

Илгари юрт, Ватан тушунчаси фақат инсонга хос деб ўйлардим. Чегарада хизмат қилишдан фойдаланамиз. Отлар, итлар бизга яқин кўмакчи. Улар чегарани бузиб ўтаётган кимсанинг ниёти ёмон эканини дарров билади. Уни тўхтатиб қолиш учун жон-жаҳди билан ташланади.

Мана шунни кўриб, ўйлаб қоламан. Биз инсонмиз-ку. Ватанимиз асраш, уни ҳимоя қилиш, энг аввало, бизнинг бурчимиздир. Ҳар биримиз Ватан ҳимоясига бўлишимиз, тинчлигимизни, мустақиллигимизни ҳимоя қилишимиз шарт. Айниқса, чегарачилар бу борада масъулиятни биринчи бўлиб ўз зиммасига олиши лозим.

**Исломжон ИСМОИЛОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидан:**

— Муддатли ҳарбий хизматга қақирилган йилгитлар мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келишган. Биз ҳудуди бир оила фарзандларидек ахил-иноқмиз. Армиядан сўнг ҳам бир умрга дўст бўлиб қоламиз.

Миллий армиямизда муддатли ҳарбий хизматга қақирилганларга маош берилди. Биз олийимизнинг асосий қисмини ота-онамизга юборамиз. Ҳарна уларга ёрдам бўлади. Хизматни тугатганимиздан сўнг

эса бизга энг кам иш ҳақининг 16 баравари миқдоридан пул ажратилади.

Армияга келиб, мустақил ҳаёт нима эканлигини тушуниб етдим. Бу ерда бизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тарбиялашди. Мен ҳамма йилгитларнинг армияда хизмат қилишини истайман.

**Жаҳонгир ЯНДАШОВ, Бухоро вилояти Шофиркон туманидан:**

— Ҳар ҳафтанинг якшанба кунини оила аъзоларимга, яқинларимга хат ёзаман. Утган ҳафта бизга бобомга хат юбордим. Ота-онам, укаларим, дўстларим ҳам менга хат ёзиб, оиламизда, қишлоғимизда бўлаётган янгиликлардан хабардор қилишди.

Аскарликнинг эсда қоладиган томонларидан бири ҳам хат ёзиш, хат олиш бўлса керак. Почта келадиган кунни ҳамма ким қўйиб, ким сурат юбораркан, деб ўқитамиз. Уйдагилардан келган хатларни кўлма-қўл ўқиймиз. Қайсидир хат овоз чиқариб ўқилмаса ёки бизга кўрсатилмаса, у севги мактуби бўлиб чиқади.

Байрамларда ўқитувчиларимга табрик юбораман. Бизни бир дўстларимиз хат билан бирга аскарлар ҳаётидан расмлар чиқиб хўнатишди.

Хизматдан сўнг Ички ишлар вазирлиги академиясига ўқишга кирмоқчиман. Ҳозир бундай вақтда турли сиёсий, бадиий китоблар ўқиб, тайёргарлик кўраёяман. Яқинда Президентимизнинг «**Юксак маънавият — энгилмас куч**» асарини қайтадан ўқиб чиқдим. Ундаги мана бу фикрлар эътиборимни ўзига тортиди: **агар биз ахил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан соткин чикмасак, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди...**

Сўхбатимиз ўзани адабиёт, шеърят, матбуот томонга буртилди. Бу ердаги маънавият хонасида «Халқ сўзи», «Ватанпарвар», «Ўзбекистон овози» газеталари таҳлавлари, бадиий адабиётларга кўзимиз тушди. Аскар йилгитлар мумтоз

адабиётимиз, ҳозирги замон ўзбек адабиёти ҳақида ўз фикрларини айтишди. Ватан, она, муҳаббат ҳақида шеърлар ўқилди.

— Алишер Навоий бобомизнинг мана бу мисралари менга ёқади, — дейди хўжайилик **Достонбек Рейимбоев:**

**Аёнким, Ватан узра то жони бор,  
Киши ҳарб этар токи имкони бор...  
Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама...**

Маҳаммад Юсуф, Иқбол Мирзо шеърларини жуда яхши кўраман. Айниқса, Ватан ҳақидагиларини ёд олганман...

— Отам Баҳром Дўсимбетов ҳайдовчи, онам Зуҳра Урозбоева уй бекаси, — дейди амулдорелик **Отабек Жумабоев.** — Улар менга армияга бориш керак, ҳақиқий йилгитни армия тарбиялайди, деб айтишар эди. Бу ерга келиб шунга амин бўлдимки, армия ҳақиқий ҳаёт мактаби экан.

Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига аскарлар танлаб, саралаб олинди. Улар жуда кўп имтиҳонлардан ўтади. Чунки масъулият катта. **Чегарачининг ортида бутун бир мамла-**

кат, халқ туради. Мана шунини англаб етганларгина чегарачи бўлади.

Чегарада турган пайтимда кўз ўнгимга онам келади. Худди у менга огоҳ, хушёр бўл, дегандай. Хизматни бошлаганимдаёқ бир қарорга келиб бўлганман. Шартнома асосида хизматни давом эттираман. Бутун ҳаётимни Ватан ҳимоясига бағишлайман...

— Чегарачилар муддатли ҳарбий хизматга биринчи бўлиб қақирилади, — дейди **сержант Жаҳонгир Қобилов.** — Ҳарбий хизмат тугаётган пайтда эса улар энг охирида бўшади. Чунки хизматни тугатганлар янги келганларга чегарада туришининг сир-асрорлари, тартибларини ўргатади.

Чегарачи йилгитлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг қачон тутилгани билан қизиқаман. Қадамидан ўт қанқайдиган бу ёшлар — мустақиллик фарзандлари. Улар Ватан ҳимоясини олий шараф деб билишди.

Ёшлар бу йилгитлар қалбида Ватан туйғуси улғаймоқда. Улар ўз Ватани, буюк аждодлари билан фахрланишди.

Жасур ва мард бу ёшларни ҳеч қачон ҳеч ким енга олмайди.

**Кўксиде Ватани бор уларнинг. Кўксиде Ватан бор. Орзулариде, мақсадлариде, интилишлариде Ватан бор.**

Бу туйғулар уларнинг жисмига она сути, она алласи билан жо бўлган. Шунинг учун ҳам улар она Ватанимизни жонидан ҳам ортиқ кўришди, ўзидан ҳам ортиқ севишди.

...**Аскар Достонбек айтган шеър менинг ёдимга мана бу сатрларни туширди:**

**Озодликдан бошқа нажот йўқ,  
Озодликдан бошқа йўл ҳам йўқ,  
Озодликдан бошқа Ватан йўқ...**

Фаррух ҲАМРОЕВ

Нанкин — 2014

## Бектемир сўзининг устидан чиқди

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтаётган II ўсмирлар Олимпиадасида боксчимиз Бектемир Мелиқўзиев Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига яна битта олтин медаль келтирди.



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларнинг янги авлоди вожага етмоқда. Ёш спортчиларимизнинг ўсмирлар ўртасидаги II Олимпияда ўйинларида эришаётган натижалари бунинг далилидир.

Нанкин Олимпиадасининг бокс бўйича вазни 69 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида рингга чиққан Б.Мелиқўзиев эрим финалда беларуслик Илья Адзинеаевни техник нокаутга учратди. Финалда Доминикан Республикаси вакили Хуан Соланони 3:0 ҳисобида енгган Бектемир шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ғолиб спортчилик шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилди, давлатимиз мадҳияси янгради.

Бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони Бектемир Мелиқўзиев Нанкинга жўнаб кетишдан олдин ўсмирлар Олимпиадасида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишни астойдил ниёт қилганини айтган эди. У сўзининг устидан чиқди.

Шу тарихқа ёш спортчиларимиз мазкур нуфузли мусобақада тўртта олтин, учтадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

**Б.АЙТМУРДОВ, ЎЗА мухбири.**

**ОБ-ҲАВО 28.09.08 — 2014**

**Юртимиз бўйлаб (°C)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти**

+18 / +23 +34 / +39

**Бухоро ва Навоий вилоятлари**

+19 / +24 +35 / +40

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари**

+17 / +22 +35 / +40

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари**

+19 / +24 +35 / +40

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари**

+17 / +22 +33 / +38

**Тошкент шаҳри**

+17 / +19 +36 / +38

**Дунё бўйлаб (°C)**

**Лондон** +23 / +21

**Париж** +25 / +22

**Москва** +17 / +18

**Мадрид** +32 / +31

**Пекин** +30 / +28

**Канберра** +14 / +16

**Рим** +30 / +29

**Афина** +33 / +31

**Токио** +26 / +24

**Стокгольм** +19 / +19

**Кейптаун** +13 / +16

**Қоҳира** +35 / +34

**Гавана** +31 / +32

**Вашингтон** +28 / +28

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Ер тузиш ва кўчаси мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 1-берк, 23-а уй эгаси Усманов Абилхоним номига 2011 йил 15 апрелда берилган уй плани йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон футбол федерацияси фахрийлар кенгаши футбол фахрийси Зокиржон Алматовга онаси **МАСТУРА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



онахонлар бешик тўйидан қайтапти. Бошқа биров бозорга йўл олган. Маҳалла гузаридан янгидан бунёд этилган иншоотларнинг очилиш маросими ўтказилмоқда. Нововойхонада нон ёпилапти. Атрофни тандирдан янги узилган нон хиди тутган...

Бу — ҳаёт ҳиди. Бу — тинчлик нафаси. Бу — тириклик манзаралари. Бу — озод юрт одамларининг интилиши ва изланишлари.

**Тинчлик, қанчалар қудратлисан! Агар тинчлик бўлмаганида, ҳаёт бундай давом этмасди.**

**Озодлик, бунчалар азизсан! Мана шу дорилмон кунлар мустақиллик шарофатидандир.**

**Онажон Ўзбекистоним! Сенинг бағрингда бахт гулдайди, орзулар осмон қадар юксалади, юрак тилга қиради: Ватаним севиш керак. Ватаним асраш керак. Ватан учун жон бериш керак...**

Самарқанд вилоятидаги чегара постларидан бирида хизмат вазифасини ўтаётган

аскарлар яшаш жойидамыз. Ҳар бир йилгитнинг столи устига оила аъзоларининг суратлари қўйилган. Иқболнинг айтишича, хизматга қақирилган йилгитлар бу ерда ўзини уйдигадай ҳис қилиши керак. Ушбу сурачлар қўйилишининг эса тарбиявий аҳамияти катта. Аскар Ватан сарҳадларини қўриқлаётганда кўз олдида, аввало, оиласи, яқинлари келади. Бу унинг масъулиятини янада оширади, хушёр бўлишга ундайди.

Муддатли ҳарбий хизматга қақирилган йилгитларга сержант Жаҳонгир Қобилов дарс ўтмоқда. Мавзу — Президентимизнинг «**Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида**» китоби. Ҳар бир аскар ушбу асарни ўқиб чиққани, у ҳақида тўлиқ маълумотга эга эканига гувоҳ бўлди.

Аскар йилгитларнинг ўз орзулари, мақсадлари, фикрлари бор. Улар Ватан чегараси мўқаддас эканини яхши билишди. Уни ҳар қандай душмандан ҳимоя қила олишди. Ўқтам, кўркмас чегарачилар билан суҳбатимиз давомида кўп ҳақиқатларни кашф этдик.

**Музаффар АХМЕДОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидан:**

— 2014 йил 23 март хотирада бир умрга муҳрланиб қолди. Уша кунни ҳарбий қасамдە қабул қилдим... Бу тадбир ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Ота-онамиз, яқинларимиз келишди. Онам Венера Собирова бошлангич синф ўқитувчиси. Ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ оном қувонди. Чунки у мени ҳарбий кийимда кўришни, армияда

Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.



**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxonasi — 233-65-45**  
**Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56**  
**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
Г — 860  
11449  
nuxxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'ZA yakuni — 21.45  
Topshirilgan vaqti — 23.00  
**Sotuvda kelishilgan narxda**

Navbatchi:  
**Abdusalim MAHMUDOV**  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
**Zafar BAKIROV**  
**Behzod ABDUNAZAROV**  
ISSN 2010-7633  
1 2 3 4 5